

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ



КУРС ИШИ

Мавзу: РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИНГ ҲИСОБИ

(“Маданият Унитар корхонаси” мисолида)

Бажарди: КТБ-112 гуруҳ талабаси Бердибаев Б.

Илмий раҳбар: катта уқит: Аманов А.А.

САМАРҚАНД-2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедра

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири _____ проф. Уразов К.Б.
20 й. _____

«Қўрғоқ ётқузди» факультети III курс 115-112 гуруҳи талабаси
Бердибеков Бекзод га

КУРС ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

1. Курс ишининг мавзуси: Резерв қарметаленкет
ҳисоби

2. Меъёрий хужжатлар: Ўз. рас. оқсоқ. қарметаленкет ва
берга мавзуси хужжатлари

3. Тавсия этиладиган адабиётлар: Қўрғоқ ётқузди қарметаленкет
қарметаленкет берга қарметаленкет ва
қарметаленкет

4. Карта, схема, график материаллар рўйхати _____

5. Курс ишини бажаришнинг асосий босқичлари	Топшириш вақти
1) <u>Қарметаленкет ва Т. Б. Б. Резерв</u> <u>қарметаленкет қарметаленкет</u> <u>асослари</u>	<u>26-декабрь 2014</u>
2) <u>Қарметаленкет II Б. Б. Б. Б. Б.</u> <u>ва мавзуси материаллари</u> <u>ва қарметаленкет ва</u>	<u>10-декабрь 2015</u>
3) <u>Қарметаленкет мавзуси</u> <u>ва қарметаленкет ва</u> <u>қарметаленкет тоқсони</u>	<u>12-февраль 2015</u>

6. Кўшимча кўрсатмалар: _____

Вазифа берилган сана 20 14 й. 24-декабрь

Курс иши раҳбари: Қарметаленкет
Уразов К.Б.

КТБ-112 гуруҳи талабаси Бердибаев Бекзоднинг «Резерв капиталининг ҳисоби» мавзуси бўйича курс ишига

ТАҚРИЗ

Ушбу курс иши талаба – Бердибаев Бекзод томонидан кафедрада тасдиқланган режа бўйича Пайариқ туманидаги «Маданият» унитар корхонаси материаллари асосида тайёрланган бўлиб, у 2 бобдан иборат бўлиб:

1-боб «Резерв капитали ҳисобининг назарий асослари»

2-боб «Маданият» унитар корхонаси МЧЖ да резерв капиталининг ҳисоби ва унинг яхшилаш йўллари»

Хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва курс ишига иловалардан ташкил топган.

Курс ишини бажаришда талаба мавзу бўйича назарий олган билим ва кўникмаларини амалиёт билан боғлай олган ва бу мавзу бўйича ёритилган ҳар бир бандда ўз аксини топган. Курс ишига илова қилинган «Маданият» унитар корхонаси МЧЖ нинг амалиёт материалларидан фойдаланилган Шу билан биргаликда курс ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд:

-курс ишида ишнинг барча бандлари бўйича илова қилинган амалиёт материалларига кўрсатма ишнинг матнида мавжуд бўлиши лозим;

-курс ишини матнида баъзи грамматик ва орфографик хатолар учрайди.

-курс ишида «Маданият» унитар корхонасида ташкил қилинган резерв капитали ҳақида маълумотлар етарли даражада эмас.

Умуман, курс ишини бажаришда талаба хулоса ва таклифлар қисмида корхонада резерв капиталининг ташкил этиш манбалари улардан фойдаланиш бўйича амалий фикрлар тўлиғича билдирилмаган. Юқорида келтирилган баъзи камчиликлар талаба томонидан бартараф этилса ва ишни ҳимоя пайтида уларга аҳамият берилса, ҳимоя комиссияси ҳайъати томонидан курс иши ижобий ҳимоя қилинади.

Курс иши раҳбари
катга ўқитувчи



А.А.Амонов

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....5-6

I Боб. Резерв капитали ҳисобининг назарий асослари

1.1. Резерв капиталининг мазмуни ва уни шакллантириш
тартиби.....7-10

1.2. Резерв капитали ҳисобининг мақсади ва
вазифалари.....11-13

II Боб. “Маданият Унитар корхонаси Масъулияти чекланган жамиятида резерв капиталининг ҳисоби ва уни яхшилаш йўллари”

2.1. «Маданият Унитар корхонаси» Масъулияти чекланган жамиятда
резерв капитали ҳисобининг умумий ҳолатлари.....14-23

2.2. Резерв капиталининг синтетик ва аналитик ҳисоби.....24-29

2.3. Резерв капитали ҳисобини яхшилаш йўллари.....30-32

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....33-35

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....36-37

Иловалар.....38

КИРИШ

Республикамизда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида берилаётган иқтисодий билимлар ичида муҳим ўринлардан бирини бухгалтерия ҳисоби ва аудит эгаллайди.

Касбий таълим Бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун бу билим соҳалари алоҳида - алоҳида махсус фан сифатида ўргатилади. Касбий таълим Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун улар томонидан бажарилаётган курс ишлари, малакавий амалиёт ҳисоботлар ва битирув малакавий ишлар уларнинг янада билим савиясини оширишга хизмат қилади.

Шундай экан ушбу йўналишда таҳсил олаётган талабалар учун курс ишларини бажариш муҳим ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам “Молиявий ҳисоб” фанидан ушбу курс иши “Резерв капиталининг ҳисоби” мавзусида танланди.

Мавзунинг долзарблиги. Резерв капитали бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Резерв капиталининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи, тавсифи, ҳисоби ва ҳисоботларда акс эттириш масалалари бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Резерв капитали ҳисоби ҳисоботларда акс эттириш масалаларига бир катор Ўзбекистонлик ва хорижий олимлар, мутахассислар, жумладан, Тўлааходжаева М.М., Дустмуродов Р.Д., Уразов К.Б., Мусаев Х-Н., Тошназаров С.Н., Аннаев М.Б., Друри К., Э.А.Аренс, Дж.К.Лоббек ва бошқаларнинг чоп этилган дарсликлари, ўқув қўлланмалари, монографияларидан ва мақолаларидан билиб олиш мумкин.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу курс ишининг мақсади резерв капиталини бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи, улар ҳисобининг назарий, методологик ва ташқилий

муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этишга доир илмий-амалий тавсиялар беришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб курс иши олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- ❖ Резерв капитали ҳисобининг вазифаларини ишлаб чиқиш;
- ❖ Резерв капитали ҳисобини ўрганиш;
- ❖ Резерв капитали ҳисоби ва уларни ҳисоботларда акс эттириш масалаларини ўрганиш;
- ❖ “Маданият» Унитар корхонаси резерв капитали ҳисоби масалаларини ўрганиш ва бошқалар.

Изланишлар объекти. Курс ишининг тадқиқот объекти бўлиб, “Маданият Унитар корхонаси” ундаги резерв капитали ҳисоби ва ҳисоботларда акс эттириш масалалари ҳисобланади.

Ишнинг таркиби. Курс иши кириш, иккита боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, жами ҳажми 36 бетдан иборат.

I – БОБ. Резерв капитали ҳисобининг назарий асослари

1.1. Резерв капиталининг мазмуни ва уни шакллантириш тартиби

Резерв капитали - бу корхонанинг турли мақсадларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталнинг бир тури. Ушбу капитал асосан қуйидаги манбалар ҳисобидан вужудга келади.

Мавжуд мулкни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган янги қиймат эвазига.

Тасдиқланган Низомга кўра корхоналар ҳар йилнинг охирида ўзларининг асосий воситаларини тугалламаган қурилиш объектларини қайта баҳолайдилар. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг олдинги бошланғич қиймати ва жамланган эскириши реал бозор баҳоларидан келиб чиқган ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартирилиши мумкин.

Агар ўзгартиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса ўртадаги ижобий фарқ резерв капиталини вужудга келишига сабаб бўлади 21- сон БХМС га мувофиқ қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталининг хиоби махсус 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида ва мос асосий воситалар счётларининг (0100-0190) дебитида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг жамланган эскиришини ўсиш томонга ўзгартирилиши 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебитида ва мос асосий асосий воситалар эскиришлари счётларининг (0210 -0290) кредитида акс эттирилади. 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредит обороти ва дебет обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитали сифатида акс эттирилади. Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётнинг дебет обороти кредит обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитали сифатида акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётининг дебет обороти кредит обороти суммасидан катта бўлса у ҳолда корхона қайта баҳолашдан зарар кўрган бўлади ва у 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетида ва 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Мулкни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали корхона тугатилганда таъсисчиларнинг хиссаларига мос равишда тақсимланади бунга

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатилишлар» счёти ва **кредит** 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссалари бўйича қарз» счёти кредитланади. Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ўзларининг соф фойдаси эвазига резерв капиталини шакллантиришлари мумкин.

Резерв капиталига қилинган ажратмалар

дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва

кредит 8520 «Резерв капитали» счётининг кредитида акс эттирилади. Шаклланган резерв капитали корхоналарда турли мақсадларда жумладан акционерлик жамиятларида имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун ҳисобат йилда кўрилган зарарларни қоплаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Резерв капиталини ишлатилиши 8520 «Резерв капитали» счётининг дебетида ва 6610 «Тўланадиган дивидендлар» 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига. Бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 «Бепул олинган мулк» счётининг кредитида ва келиб тушган мулк акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190, 0710-0720, 0610, 0800, 1000, 5810) дебетида акс

этирилади. Солик Кодексига мувофиқ бепул келиб тушган мулклар битта тизим корхоналарда юқори ташкилотнинг қарори билан балансдан балансга ўтказиш тарзида амалга оширилган бўлса даромад солиғига тортилмайди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига киради ва солиқга тортилади. Резерв капитали счёtlари бўйича аналитик ҳисоб унинг турли ва ташкил топиш манбаларига қараб юритилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида мулкларнинг қиймати арзонлаштирилса, камайган сумма ўша мулкнинг аввалги қўшимча баҳолалиши ҳисобига тўлдирилади ва у ушбу счёtlнинг дебетида акс этирилади. Шу мулкнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма ҳаражат сифатида тан олинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёtlида акс этирилиши лозим.

8520 «Резерв капитали (жамғармаси)» счёtlи корхона томонидан таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистан Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Резерв капиталининг шаклланиши 8520 «Резерв капитали» счёtlининг кредитида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёtlи билан боғланган ҳолда акс этирилади, резерв капиталидан фойдаланиш эса ушбу счёtlнинг дебетида акс этирилади.

8530 «Текинга олинган мулк» счёtlи корхона томонидан текинга олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Текинга олинган мулклар 8530 «Текинга олинган мулк» счёtlининг кредитида корхона мулкларини ҳисобга олувчи счёtlлар билан боғланган ҳолда акс этирилади. Текинга олинган мулклар қиймати солиққа тортиш мақсадида корхонанинг умумий даромадига қўшилади.

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счёtlлар корхона таъсис

хужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантирилган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашда юзага келган инфляция резервлари пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотни умумийлаштириш учун мўлжалланган.

Хисоб қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;

8520 “Резерв капитали (жамғармаси)”;

8530 “Текинга олинган мулк”.

8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётида мулкларни қайта баҳолаш натижаси қийматида вужудга келган ўзгаришлар ҳисобга олинади.

Мулкларни қайта баҳолаш натижасида резерв капиталининг шаклланиши ва тўлдирилиши мазкур счётнинг кредитида қайта баҳолаш натижасида қўшимча баҳоланган мулкларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс еттирилади.

1.2 Резерв капитали ҳисобининг мақсади ва вазифалари резерв капиталининг ҳисоби акс эттирилиши

Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг олдинги бошланғич қиймати ва жамланган эскириш реал бозор баҳоларидан келиб чиқган ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартириши мумкин. Агар ўзлаштиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса ўртадаги ижобий фарк резерв капиталини вужудга келишига сабаб бўлади.

Корхонанинг соф фойдаси ҳисобига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ўзларининг соф фойдаси эвазига резерв капиталини шакллантиришлари мумкин. Шаклланган резерв капитали корхоналарда турли мақсадларда жумладан акционерлик жамиятларида имтиёзли акциялар бўйича дивидентларни тўлаш учун ҳисобат йилда кўрилган зарарларни қоплаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига. Бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 «Бепул олинган мулк» счётининг кредитида ва келиб тушган мулк акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190, 0710-0720, 0610, 0800, 1000, 5810) дебитида акс эттирилади. Солиқ Кодексига мувофиқ бепул келиб тушган мулклар битта тизим корхоналарда юқори ташкилотнинг қарори билан балансдан балансга ўтказиш тарзида амалга оширилган булса даромад солигига тортилмайди. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига киради ва солиқга тортилади.

Резерв капитали счётлари бўйича аналитик ҳисоб унинг турли ва ташкил топиш манбаларига қараб юрйтилади. Резерв капиталининг счётларда акс эттирилиши.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит
1.	Қайта баҳолаш узок муддатли активлар қийматининг оширилиши	0100 0300 0400 0600 0700 0800	8510
2.	Қайта баҳолашда асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш суммасининг оширилиши	8510	0200 0500
3.	Баҳолашда узок муддатли активлар қийматининг пасайтирилиши	8510	0100 0300 0400 0600 0700 0800
4.	Қайта баҳолаш асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш суммасининг пасайтирилиши	0200 0500	8510
5.	Тақсимланмаган фойданинг бир қисми резерв капиталига ўтказилганда	8710	8520
6.	Ҳисобот йилининг зарари резерв капитали ҳисобидан қопланганда	8520	8710
7.	Имтиёзли акцияларга резерв капитали ҳисобидан дивидент ҳисобланганда	8520	6610
8.	Мол-мулк текин олинганда	0100 0400 0600 0800 0700	8530

Резерв капитали бўйича бухгалтерга ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Резерв капиталини корхоналарда вужудга келиш кунини ўз вақтида акс эттириш.

Резерв капиталини тўғри шакллантирилгани устидан назорат ўрнатиш.

Резерв капиталидаги ўзгаришларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш.

Резерв капиталига доир маълумотларни молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

II- БОБ «Маданият Унитар корхонаси» Масъулияти чекланган жамиятда резерв капиталининг ҳисоби ва уни яхшилаш йўллари

2.1 «Маданият Унитар корхонаси» Масъулияти чекланган жамиятда резерв капитали ҳисобининг умумий ҳолатлари»

Ўзбекистон республикаси давлат мулк қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 4 майдаги 71-К сонли Маданият Унитар корхонасини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ ташқил топган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти еркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонунига асосан ташқил этилган.

Низом фонди: 83 192 900 (Саксон уч миллион бир юз туксон икки минг туккиз юз) сум.

“Маданият” унитар корхонаси (кейинги матнда “korxona” деб юритилади).

“Payariq Uyushgan Savdo” МЧЖ га қарашли бўлганлиги сабабли корхонани маблағлари “Payariq Uyushgan Savdo” МЧЖ томонидан ажратилган пул ва моддий бойликлардан ташқил этилган. 83 192 900 сум барча турдаги асосий воситалари, активлари, мол-мулклари,

“Payariq Uyushgan Savdo” МЧЖ билан келишган ҳолда тасарруф этилади. “Маданият” унитар корхонаси Унитар “Маданият” чакана савдо корхонасининг барча турдаги мажбуриятлари дебитор ва кредитор қарздорлик бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Корхонанинг манзили: Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Пайариқ шаҳри **А.Назаров** маҳалласи **Х.Курдошев** кўчаси.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб булгандан кейин тугатилаётган жамиятнинг қолган мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан акциёдорлар ўртасида тақсимланади:

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қуйган пайтдан этиборан жамиятни тугатиш тамомлаган жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

«Маданият Унитар корхонаси» МЧЖ да резерв капиталини 2011 ва 2012 йил ҳолатига кўрадиган бўлсак, улар мос равишда 8500 «Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар» бўйича 42 478,5 минг сўм, 25 454,5 минг сўм бўлган.

8900 «Келгуси ҳаражатлар ва тўловлар захираларини ҳисобга олувчи счётлар» бўйича 252,5 минг сўм, ушбу капиталнинг ўзгариши 5-сон шакл «Хусусий капитали тўғрисидаги ҳисобот» да курсатилган (илова 2 га қаралсин)

Бухгалтерия праводкаларини кўрадиган бўлсак қуйидагиларни айтиш мумкин.

«Маданият Унитар корхонаси» МЧЖ да 2013 йил март ойида мулкни қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталига қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилган:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Боғланувчи		Ёзувларни тасдиқловчи Хужжатлар
		счётлар		
		дебет	кредит	
1	Асосий воситаларнинг Қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган	0110-0199	8510	Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
2	Молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган	0310	8510	Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
3	Номоддий активларнинг Қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган	0410-0490	8510	Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
4	Узок муддатли инвестицияларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган	0610-0690	8510	Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
5	Ўрнатиладиган асбоб-ускунанинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган	0710-0720	8510	Қиймагни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
6	Тугалланмаган қурилиш ва капитал кўйилмаларнинг қийматини ошириш натижасида резерв капитали оширилган	0810-0890	8510	Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
7	Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида асосий воситаларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	0110-0199	Қийматни ошириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
8	Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	0310	Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
9	Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида номоддий активларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	0410-0490	Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби

10	Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	0610-0690	Бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
11	Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	0710-0720	Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
12	Илгари қайта баҳолашдан қўшимча баҳоланган сумма чегарасида тугалланмаган қурилиш ва капитал қўйилмаларнинг қиймати пасайтирилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	0810-0890	Қийматни пасайтириш тўғрисида қарор, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
13	Корхона тугатилишида мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича жамланган сумманинг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши акс эттирилган	8510	6620	Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси
14	Илгари бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган ва қўшимча баҳоланган сумма қимматли қоғозларга йўналтирилган маблағларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар киритиш счётига киритилган қимматли қоғозлар сотилиши натижасида резерв капитали камайтирилган	8510	9560	Банк ҳисоб-китоб счётидан қўчирма, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
15	Резерв капиталини собга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситалар объектлари ҳисобида қайта баҳолаш натижалари (сальдо)нинг ҳисобдан чиқарилиши (ушбу асосий восита объектлари бўйича илгари қўшимча баҳоланган суммалар илгари қиймати пасайтирилган суммалардан ортиги) акс эттирилган	8510	9210	Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси.

16	Иштирокчиларга дивидендлар тўлаш учун жорий йил бўйича фойда етишмаган тақдирда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган резерв капитали суммалари акс эттирилган	8520	6610	Таъсисчилар қарори, бухгалтериянинг ҳисоб-китоби
17	Асосий воситалар текинга олинган	0110-0190	8530	Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат
18	Номоддий активлар текинга олинган	0410-0490	8530	Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат
19	Узоқ муддатли қимматли қоғозлар текинга олинган	0610	8530	Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхати
20	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар текинга олинган	0710, 0720	8530	Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхати
21	Капитал кўйилмалар текинга Олинган	0810-0890	8530	Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхати
22	Товарлар текинга олинган	2910, 2990	8530	Текинга (бепул) бериш шартномаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхати
23	Корхона тугатилишида текинга олинган мол-мул ҳисобидан иштирокчиларга даромад (дивиденд)лар ҳисобланган	8530	6610, 6620	Дивидендларни ҳисоблаш қайдномаси

Корхоналар ўзларининг яқин келажакда кутилаётган харажатлари ва туловлари учун , масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, ходимларга меҳнат таътили ҳисоблаш учун ва бошқдлар учун, резерв ташкил қилишлари мумкин. Бундай резервни ташкил этишдан асосий мақсад бўлиб кутилаётган харажат ва туловларни ҳисобот йили ойлари бўйича тенг тақсимлаб бориш ҳисобланади.

Резерв ташкил қилишнинг меъёрлари ва тартиби корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган бўлиши л оғим. Ташкил этилган резерв корхонанинг харажатларига олиб борилади ва у қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс этирилади:

Дебет 2010,2310,2510,2710,9420,9430 (харажатни акс этирувчи счётлар) Кредит 8910 “Кутилаётган харажатлар ва туловлар учун резервлар” Резервнинг ишлатилиши 8910 “Кутилаётган харажатлар ва туловлар учун резервлар” счётининг дебитида ва қўпинган сарфларни акс этирувчи счётларнинг (1010-1090, 6710,6520,6890,2310,2510,2710 ва бошқалар) қўдетида акс этирилади.

Ишлатилмай қолган резерв суммаси ҳисоб сиёсатида қўзда тутилган тартибга қўра келгуси йилга утқазилиши, шунингдек харажатларни қамайтиришга олиб борилиши ёки қорхона даромадида олиб борилиши мумкин, яъни:

Дебет 8910 “ Кутилаётган харажатлар ва туловлар учун резервлар”

Кредит 2010,2310,2510,2710,9420,9430 ,9390

Қўшилган ва резерв капиталининг ҳисоби:

Қўшилган капитал. Хусусий капиталнинг таркибий элементида бўлган қўшилган капитал қуйидаги ҳолатда вужудга келиши мумкин:

Ушбу ҳолатда сотиш ва номинал қийматлар ўртасида вужудга келган фарқ эмиссия даромади деб аталади. Ушбу даромад қўшилган капитални ташкил этади ва махсус 8410 “Эмиссион даромад” счётининг кредитида пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошқалар) дебитида билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Эмиссион даромад корхоналарнинг солиқга тортиладиган даромадига киритилмайди. Келгусида эмиссион даромад акцияларни номинал қийматидан паст қийматда сотишдан қўрилган зарарларни, шунингдек сотиб олинган хусусий акцияларини бекор қилишдан қўрилган зарарларни қоплаш учун ишлатилади. Ушбу операциялар 8410 “Эмиссион даромад” счётининг дебитида, шунингдек 8610 “Сотиб олинган оддий хусусий акциялар”, 8620 “Сотиб олинган имтиёзли хусусий акциялар” счётларининг кредитида акс эттирилади.

Эмиссион даромад сифатида тўпланиб қолган қўшилган капитал факатгина корхона тугатилишида тақсимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади.

Бундай қўшилган капитал, одатда, чет эл инвестицияси киритилган қўшма корхоналарда мавжуд бўлиши мумкин. Устав ва таъсис шартномасига мувофиқ чет эл инвесторининг қўшма корхонанинг устав капиталига хиссаси корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасидаги расмий курс билан баҳоланади. Шунинг учун чет эл инвестори томонидан

хиссани ҳақиқатда киритилиши вақтида вужудга келган валюта курслари ўртасидаги ижобий ва салбий фарқлар устав капиталига тегишли бўлмайди ва улар қўшма корхонада алоҳида Резерв капитали счётида хисобга олинади. Валюта курслари ўртасида вужудга келган ижобий фарқ, бир томондан, инвесторнинг хиссаси сифатида киритилган узоқ ва қисқа муддатли активларнинг (асосий воситалар, номоддий активлар, ТМБ, пул маблағлари) қийматига қўшилади (яъни 0110-0190, 0410-0490, 1010-1090,2810,2910-2990,5010,5110,5210,5210 ва бошқа счётлар дебетланади), иккинчи томондан, қўшилган капитал сифатида тан олинади ва 8420 “Резерв капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ” счётининг кредитида акс эттирилади.

Худди эмиссион даромадга ўхшаб, валюта курслари ўртасидаги ижобий фарқлар эвазига вужудга келган ушбу қўшилган капитал ҳам солиқга тортиладиган даромадга киритилмайди, у фақатгина корхона тугатилишида тақсимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади. Агар валюта курслари ўртасида салбий фарқ вужудга келса, у ҳолда ушбу фарқ 8520 “Резерв капитали” счётининг дебитида ва 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига хиссалари буйича карзи» счётининг кредитида акс эттирилади.

Курслар уртасидаги вужудга келган салбий фарқ корхонанинг зарарига олиб борилади ва унинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдасидан копланди. Ушбу зарар 8420 Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар уртасидаги фарқ” счётнинг кредитида ва 9620 «Валюта курслари фарқида қўрилган зарарлар» данинг дебитида акс эттирилади.

Резерв капитали. Ушбу капитал корхонанинг турли мақсадларларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталининг бир тури, ушбу капитал асосан қуйидаги манбалар хисобидан вужудга келади:

Мавжуд мулкни қайта баҳолаш натижасида пайдо буладиган янги нэмаат эвазига. Тасдиқланган Низомга кўра корхоналар ҳар йилнинг охирида ўзларининг асосий воситаларини, тугалланмаган қурилиш объектларини қайта баҳолайдилар. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг олдинги бошлангич қиймати ва жамланган эскириши реал бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартирилиши мумкин.

Агар ўзгартиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса, ўртадаги ижобий фарқ резерв капитални вужудга келишига сабаб бўлади. 21-сон БХМС га мувофиқ қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталнинг ҳисоби махсус 8510 Мулкни қайта баҳолаш буйича тузатишлар” счётининг кредитида ва мос асосий асосий воситалар счётиларининг (0110-0190) дебитида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг жамланган эскиришини узиш томонга узгартирилиши 8510 Мулкни қайта баҳолаш буйича тузатишлар” счётининг дебитида ва мос асосий асосий воситалар эскиришлари счётиларининг (0210-0290) кредитида акс эттирилади. 8510 “ Мулкни қайта баҳолаш буйича тузатишлар” счётининг кредит обороти ва дебет обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитални сифатида акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётининг дебет обороти кредит обороти суммасидан катта бўлса, у ҳолда корхона қайта баҳолашдан зарар кўрган бўлади ва у 9430 “Бошқа операцион харажатлар” счётининг дебитида ва 8510 “ Мулкни қайта баҳолаш буйича тузатишлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Мулкни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитални корхона тугатилганда таъсисчиларнинг ҳиссаларига мос равишда тақсимланади, бунга дебет 8510 %лкни қайта баҳолаш буйича тузатишлар” счёти ва кредит 6620 “Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз” счёти кредитланади.

Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан. Ўзбекистан Республикаси қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ўзларининг соф Фойдаси эвазига резерв капитал ини шакллантиришлари мумкин. Резерв капиталига килинган ажратмалар дебет 8710 “Хисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)” ва кредит 8520 “Резерв читали” счётининг кредитида акс эттирилади. Шаклланган резерв капитали корхоналарда турли мақсадларда, жумладан акционерлик жамиятларида имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун, хисобот йилда қўрилган зарарларни қоплаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Резерв капиталини ишлатилиши 8520 “Резерв капитали” счётининг дебитида ва 6610 “Тўланадиган дивидендлар”, 8710 “Хисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)” ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 Бепул олинган мулк счётининг кредитида ва келиб тушган мулкни акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190,0710-0720,0610, 0800, 1000, 5810) дебитида акс эттирилади.

Шу Кодексига мувофиқ бепул келиб тушган мулклар битта тизим корхоналари юқори ташкилотнинг қарори билан балансдан балансда ўтказиш тарзида оширилган бўлса, даромад солиғига тортилмайди. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига киради, соликга тортилади.

“Маданият Унитар корхонаси”да Резерв капитали счётлари бўйича аналитик ҳисоб унинг турлари ва ташкил топиш манбаларига қараб юритилади.

2.2 Резерв капиталининг синтетик ва аналитик ҳисоби

Маданият унитар корхонаси ўзларининг яқин келажақда кутилаётган ҳаражатлари ва тўловлари учун масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун ходимларга меҳнат таътили ҳисоблаш учун ва бошқалар учун резерв ташқил қилишлари мумкин.

Бундай резервни ташқил этишдан асосий мақсад бўлиб кутилоётган ҳаражат ва тўловларни ҳисобат йили ойлари бўйича тенг тақсимлаб бориш ҳисобланади.

Резервни ташқил қилишнинг меъёрлари ва тартиби корxonанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган бўлиши лозим.

Маданият унитар корхонасида ташқил этилган резерв корxonанинг ҳаражатларига олиб борилади ва куйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади.

Дебет 2010 2310 2510 2710 9420 9430 (ҳаражатни акс эттирувчи счётлар)

Кредит 8910 «Кутилаётган ҳаражатлар ва тўловлар учун резервлар»
Устав капиталининг камайиши ўртокчилик жамиятларида таъсисчиланинг хиссаларини камайтирилиши ёки уларни таъсисчилар сафидан чиқарилиши, акционерлар жамиятларида эса мавжуд акционерларнинг номинал қийматининг камайтирилиши ёки аксиялар сонини камайиши эвазига юз беради. Давлат корxonаларида устав капитали суммаси ҳисобот йилнинг қопланмай қолган зарарларига камаяди.

Бундай қўшилган капитал одатда чет эл инвестицияси киритилган қўшма корхоналарда мавжуд булиши мумкин. Устав ва таъсис шарномасига мувофиқ чет эл инвесторининг қўшма корxonанинг устав капиталига хиссаси корxonанинг давлат рўйхатидан утган санасидаги расмий курс билан баҳоланади.

Валюта курслари ўртасида вужудга келган ижобий фарқ бир томондан инвесторнинг хиссаси сифатида киритилганиюзок ва киска муддатли активларнинг (асосий валюталар номоддий активлар ТМБ пул маблағлари) қийматига қўшилади иккинчи томондан қўшилган капитал сифатида тан олинади .

Худди эмиссион дароматга ўхшаб валюта курслари ўртасидаги ижобий фарқлар эвазига вужудга келган ушбу қўшилган капитал ҳам соликга тортиладиган дароматга киритилмайди у фақатгина корхона тугатилишида тақсимланманган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади.

Қўшилган капиталнинг счётларда акс эттирилиши

3-жадвал

№	Оператсия мазмуни	Дебет	Кредит
1.	Акциянинг номинал қийматидан юқори қийматда сотилишига ўртасидаги ижобий фарқга.	0100 0300 0400 0600	8510
2.	Акциянинг номинал қийматидан паст қийматда сотилишига ўртасидаги салбий фарқ.	8410	8520 8530
3.	Таъсис бадали киритилган санага вужудга келган ижобий курс фарқига.	Активлар акс эттирувчи счётлар	8910
4.	Таъсис бадали киритилган санага вужудга келган салбий фарқига	8420	4610
5.	Корхона тугатилганда қўшилган капиталнинг тақсимланмаган фойдага ўтказилиши	8410 8420	8710

Мақсадли тушумларнинг ҳисоби акс эттирилиши.

Корхонанинг хусусий капиталига унга турли манбалардан келиб тушган мақсадли тушумлар ҳам киради. Мақсадли тушумларнинг турлари бўлиб куйдагилар ҳисобланади.

Трантлар - бу корхонага қайтариб олинмаслик шарти билан давлат нодавлат ҳалқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина катий мақсадларга ишлатилиши лозим.

21-сон БХМС га мувофиқ грантларнинг ҳисоби 8810 «Грантлар» счётида олиб борилади. Грантларнинг олиниши ва келиб тушиши ушбу пассив счётнинг кредитида маблағларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190 0410-0490 0610 5810 1010-1090 2810 2910-2990 5010 5110 5210 4890 ва бошқа счётлар) дебети бўйича корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Олинган грантларнинг ишлатилиши грантлар асосида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотларида 8810 «Грантлар» счётининг дебетида ва ҳаражатлар счётларининг (2010 2310 2510 9420 9430 ва бошқалар) кредитида акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи корхоналарда олинган грантлар устав капиталага ва резерв капиталига қўшилиши мумкин.

«Устав капитали» 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади. Грантларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва мақсадлари бўйича юритилади.

Субсидиялар - бу корхонага унинг фаолийтини ривожлантириш мақсадида малум бир шартларга кўра давлат томонидан пул ва моддий активлар билан берилган ёрдам суммаси.

Субсидияларнинг ҳисоби махсус 10-сон БХМС “Дават субсидияларнинг ҳисоби ва давлат ёрдами тафсефи” шунингдек 21 -сон БХМС га асосланиб юритилади. Ушбу мийёрий хужжатларга мувофиқ

олинган субсидияларнинг келиб тушиши 8820 “субсидиялар” счётининг кредитида маблағларни акс эттиришга мулжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610,5810,1010 -1090,2810, 2910-2990,5010, 5110, 5210, 4890 ва бошқа счётлар) дебит бўйича корреспонденцияланган ҳолда акс этирилади.

Олинган субсидиялар устав капиталига ва резерв капиталга қўшилиши мумкун. Бундай ҳолларда 8820 «Субсидиялар» счёти дебитланади ва 8300 Устав капитали 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади.

Аъзолик бадаллари бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ белгиланган аъзолик бадаллари суммаси 21 сон БХМС га мувофиқ аъзолик бадалларининг “Аъзолик бадаллар” счётининг кредитида ва пул маблағларининг (5010,5110, 5210) дебитида акс этирилади.

Йиғилган аъзолик бадаллари жамиятнинг фаолиятини ривожлантиришга сарфланади. Жамият тугалланганда тўпланган аъзолик бадаллари унинг қарзларини қоплашга йўналтирилади.

Резерв капитали ҳамда Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун
захираларнинг бухгалтерия балансидаги кўриниши (2014-йил)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Хисобот йили бошига	Хисобот йили охирига	Фарқи
1	Резерв капитали (8500)	25454,5	42478,5	17024
2	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	252,5	425,7	173,2

Жадвалдаги бухгалтерия балансининг маълумотларига кўра Резерв капитали хисобот йили бошида 25454,5 ни ташкил этди.

Хисобот йили охирига эса 42478,5 ни ташкил этди, фарқи эса 17024 га тенг.

Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун захиралар хисобот йили бошида 252,5 ни ташкил этди.

Хисобот йили охирига эса 425,7 ни ташкил этди. Фарқи эса 173,2 га тенг

2.3 Резерв капитали ҳисобини яхшилаш йўлла

Биз биламизки маданият унитар корхонасида резервнинг ишлатилиши 8910 «Кутилаётган ҳаражатлар ва тўловлар учун резервлар» счётининг дебетиди ва қилинган сарфларни акс эттирувчи счётларнинг (1010- 1090 6710 6520 6890 2310 2510 2710 ва бошқалар) кредитиди акс эттирилади.

Ишлатилмай қолган резерв суммаси ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибга кўра келгуси йилга ўтказилиши шунингдек ҳаражатларни камайтиришга олиб борилиши ёки корхона даромадига олиб борилиши ёки корхона даромадига олиб борилиши мумкин яъни

Дебет 8910 «Кутилаётган ҳаражатлар ва тўловлар учун резервлар»

Кредит 2010 2310 2510 2710 9420 9430 9390.

Мақсадли фойдаланиш учун солиқ имтиёзлари - бу давлат қонунлари асосида корхонани мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқлардан озод этиш натижасида тўпланган маблағлар мажмуаси.

Ушбу мақсадли тушумларнинг ҳисоби махсус Низом шунингдек 21-сон БХМСга мувофиқ 8840 «Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари» счётида юритилади.

Ушбу имтиёзларга эга хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни Солиқ Кодикиси ва уларга доир йўриқномалар асосида ҳисоблайдилар. Ҳисобланган солиқ суммаси корхона ихтиёрида қолдирилганда куйидаги ёзув қилинади.

Бошқа резерв капиталининг тушумлари - бу турли юридик ва жисмоний шахслардан маълум мақсадлар учун олинган маблағларнинг мажмуаси. Уларга масалан ота-оналарнинг болалар боғчаси учун тўловлари бошқа корхоналардан тушган маблағлар ва бошқалар киради.

21-сон БХМС га мувофиқ бошқа резерв капиталининг ҳисоби 8510 «резерв капитали» счётининг кредитиди ва пул маблағлари счётларнинг дебетиди акс эттирилари.

Ушбу счётининг дебетида мақсадли тушимларнинг ишлатилиши акс эттирилади масалан хизмат қилувчи хўжаликларнинг ҳаражатларни бир қисми ушбу мақсадли тушимлар ҳисобидан қопланганда 8890 «Бошқа мақсадли тушимлар» счёти дебет ля на ди ва 2710 «Хизмат қилувчи хўжаликлар» счёти кредитланади.

Ишлатилмай қолган бошқа мақсадли тушимлар корхоналарнинг резерв капиталига ёки бошқа даромадларига олиб борилади яъни

Дебет 8890 «Бошқа мақсадли тушимлар»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк» 9390 «Бошқа операцион даромадлар» Тақсимланмаган фойда (зарар)ларнинг ҳисоби акс эттирилиши.

Ҳисобот йилининг соф фойдаси 9900 «Якуний молиявий натижа» счётида ҳисоб-китоб қилинади.

Аниқланган соф фойда суммаси 9900- счётининг дебетига ва 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»счётининг кредитига ўтказилади.

Ушбу ёзув билан 9900 «Охириги молиявий натижа» счёти тўлаиғича ёпилади.

Ҳисобот йили охирида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида акс эттирилган соф фойда (қопланмаган зарар) тақсимланмаган ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимотни амалга ошириш корхонанинг мулкӣ ва ташқилий шаклига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўртоқчилик жамиятлари да масалан масулияти чекланган жамиятларда қўшма корхоналарда хусусий корхоналарда, уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобот йилнинг соф фойдаси (қопланмаган зарар) ҳисобига қолдирилиши мумкин.

Бу типдаги корхоналарда корхоналарда таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ҳисобот йилнинг соф фойдасини тақсимлаш қўйидаги

ёзувлар билан акс эттирилади:

"Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида булинган соф фойда суммасига Дебет 8710 "ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)" Кредит 6610 "туанадиган дивиденд" Корхонанинг резерв капиталига ажратма суммасига Дебет 8710 "ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)" Кредит 8520 "резерв капитал" Ҳисобот йилнинг тақсимланмай қолган соф фойдаси утган йилларнинг жамланган фойдасига қўшилса Дебет 8710 "ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)" Кредит 8720 "Жамланган фойда (қопланмаган зарар)" Агар уроччилик жамияти ҳисобот йили якуни бўйича зарар билан чиқган бўлса, ушбу зарар суммаси 8720 Жамланмаган фойда (қопланмаган зарар)"счётининг дебетига ўтказилади, яни:

Дебет 8720 (жамланган фойда (қопланмаган зарар))

Кредит 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)"

Шундай қилиб, уроччилик жамиятларида ҳисобот йилнинг охирига 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)" счёти тўлаиғича ёпилади ва ушбу вақтинчалик(транзит) счёти қолдиқга эга бўлмайди.

Масъулияти чекланган жамиятида 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счёти да тупланган фойда ёқизарар суммасини акционерлар йиғилиши қарорисиз тақсимлаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ акционерларнинг умумий йиғилишлари келгуси йилнинг 1 май ойиғача ўтказилади. Шу сабабли акционерлар жамиятларида 8710" Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счётида тупланган фойда ёқи зарар фойдаси келгуси йилга қолдиқ сифатида ўтказилади, у фақат ҳисобот йили фойдаси (зарари) тақсимлангач ёпилади.

Хулоса ва таклифлар

Курс ишни бажариш мобайнида қуйидаги хулосаларга келинди:

Резерв капитали - бу корхонанинг турли мақсадларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталнинг бир тури. Ушбу капитал асосан қуйидаги манбалар ҳисобидан вужудга келади.

Мавжуд мулкни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган янги қиймат эвазига.

Тасдиқланган Низомга кўра корхоналар ҳар йилнинг охирида ўзларининг асосий воситаларини тугалламаган қурилиш объектларини қайта баҳолайдилар. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг олдинги бошланғич қиймати ва жамланган эскириши реал бозор баҳоларидан келиб чиқган ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартирилиши мумкин.

Агар ўзгартиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса ўртадаги ижобий фарқ резерв капиталини вужудга келишига сабаб бўлади 21 - сон БХМС га мувофиқ қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталининг ҳисоби махсус 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида ва мос асосий асосий воситалар счётларининг (0110 - 0190) дебитида акс еттирилади.

Асосий воситаларнинг жамланган эскиришини ўсиш томонга ўзгартирилиши 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебитида ва мос асосий асосий воситалар эскиришлари счётларининг (0210-0290) кредитида акс эттирилади. 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

Счётининг кредит обороти ва дебит обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитали сифатида акс эттирилади. Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётнинг дебет обороти кредит обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитали

сифатида акс эттирилади. Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётининг дебет обороти кредит обороти суммасидан катта бўлса у ҳолда корхона қайта баҳолашдан зарар кўрган бўлади ва у 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетида ва 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Мулкни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали корхона тугатилганда таъсисчиларнинг хиссаларига мос равишда тақсимланади бунга дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатилишлар» счёти ва кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссалари бўйича қарзи» счёти кредитланади. Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхоналар ўзларининг соф фойдаси эвазига резерв капиталини шакллантиришлари мумкин.

Резерв капиталига қилинган ажратмалар дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва кредит 8520 «Резерв капитали» счётининг кредитида акс эттирилади. Шаклланган резерв капитали корхоналарда турли мақсадларда жумладан акционерлик жамиятларида имтиёзли ациялар бўйича дивидендларни тўлаш учун ҳисобат йилда кўрилган зарарларни қоплаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Резерв капиталини ишлатилиши 8520 «Резерв капитали» счётининг дебетида ва 6610 «Тўлаанадиган дивидендлар» 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига. Бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 «Бепул олинган мулк» счётининг кредитида ва келиб тушган мулк акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190 0710-0720 0610 0800 1000 5810) дебетида акс эттирилади.

Солиқ Кодексига мувофиқ бепул келиб тушган мулклар битта тизим

корхоналарда юқори ташқилотнинг қарори билан балансдан балансга ўтказиш тарзида амалга оширилган бўлса даромад солигига тортилмайди. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига киради ва соликга тортилади. Резерв капитали счётлари бўйича аналитик ҳисоб унинг турли ва ташкил топиш манбаларига қараб юритилади.

“Маданият Унитар корхона» МЧЖ да ушбу манбалардан, ушбу операциялар 21-сон БҲМСга мувофиқ счётларда акс эттирилади.

Биз тадқиқот олиб борган “Маданият Унитар Корхона» МЧЖ.да ихтиёрий равишда аудиторлик текширувидан ўтадиган корхоналар сирасига кирсада, ҳар йилги хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. - Тошкент, 30-август, 1996 йил.
2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” низом Тошкент,1999, 2004, 2010 йй.
3. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 4-сон “Товар моддий захирлар ҳисоби ”
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли” Т. Ўзбекистон. 1995-йй.
5. Акрамов Э.А., “Корхоналарнинг молиявий ҳолати” Молия- Тошкент, 2004 йй.
6. Бобожонов, Жуманиёзов Ф. “Молиявий ҳисоб”- Тошкент:2001-ййил.
7. Бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалари режаси - Тошкент,2010 йй.
8. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” Уразов К.Б. Ўқитувчи Т. 2014-йй.
9. Жорий йил учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижалари тўғрисида ва келгуси йилдаги истиқбол режалари”
10. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А, “Бухгалтерия ҳисоби” -Тошкент, 2004 йй.
11. Умаров М. “Бухгалтерия ҳисоби” - Тошкент, 2005 йй.
12. Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” Самарқанд 2014-йй.
13. Уразов К.Б., Худойбердиев Н.У., Аннаев М.Б.. “Молиявий ҳисоб” Самарқанд 2014-йй.
14. Ваҳобов А., Иброҳимов А.. “Молиявий таҳлил”.- Тошкент: “Шарқ”, 2002-ййил.
15. Волжин И.О. Эргашбаев В.В., “Финансовий анализ” - Тошкент, 1998 йй.
16. Гуломова Ф.Ф.. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма”.- Тошкент: “Норма”МЧЖ,2009-ййил.

Интернет сайтлари:

www.uz - (Миллий ахборот агентлиги)

www.ker.uz- (Иқтисодий тадқиқот маркази)

www.pravo.uz- (Иқтисодий қонунлар туплами)

www.org.uz

<http://www.Ziyonet.uz>

<http://www.cip.com> (Халқаро Сертификатли Бухгалтер);